


Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Халқ таълими тизимида манзилли методик ёрдам кўрсатиш бўйича “METHODIK-TOUR” ташкил қилинди

“METHODIK-TOUR”ни ташкил қилишда нималарга асосий эътибор қаратилди?

Туманлар кесимида фан ўқитувчиларининг тоифа (категорияси) бўйича энг паст кўрсатгичли бир мактаб танлаб олинади. Услубий жихатдан хизмат кўрсатиш бўйича тажрибали методист ва ўқитувчилар, Президент мактаби ўқитувчилари, информатика бўйича ишчи ҳодимлардан иборат эксперtlар гурухи ташкил қилиниб, жойларда ўз ишларини олиб боради. Республика бўйича барча туманларда мазкур ишлар олиб борилмоқда.



Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил қилинган турнинг навбатдаги манзили, Беруний тумани ХТБ га қарашли 72-сонли умумтаълим мактаби бўлди. Мактабнинг мажлислар залида “Мастер класс” бўлиб ўтди. Бунда масофавий ўқитиш тизимини ривожлантириш бўйича “Видео дарс” ва турли кўринишдаги слайдлар тайёрлаш “Ckritch”, “Pyoton”, “Veb-fri lan ser” дастурларини ўзлаштириш ҳам ўргатилди.



Нукус шахридаги Президент мактаби ўқитувчилари Жанубий Африка давлатидан келган Ричард Мугетти, Филиппиндан келган ўқитувчи Марк Леста информатика

ва дастурлаш тизими шунингдек STEAM тизимидағи фанларни ривожлантириш бўйича тушунчалар бериб ўтди.

Image not found or type unknown

Ишчи гурух химия, физика, биология фанларидан лаборотория ишларини амалиётда кўрсатиб берди. Робототехника бўйича тушунчалар, ўқувчиларнинг яратувчанликка қизиқишилари, янгиликка интилишлари ҳам синовдан ўтказилди.

Ишчи гурухнинг асосий вазифаси ўқитувчиларни мутахассисликдан юқори тоифа олишига ёрдамлашиш, билимларини ривожлантириш ва таълим тизимиға жорий қилинаётган янги технологияларни ўргатишдан иборат бўлди.

Беруний тумани ҳокимлиги ахборот хизмати